



1. Роббинг фил сохибларини нима қилганини билмадингми?
2. Уларнинг макру хийласини зое кетказмадимми?
3. Ва уларнинг устига тўп-тўп кушларни юбормадимми?
4. Лойдан пиширилган тошларни отадиган.
5. Бас, уларни қурт еб ташлаган ўсимликка ўхшатиб юбормадимми?

### [Фил сураси](#)

Фил сураси машхур Фил воқеаси хақида сўз юритади. Бу қиссани ҳамма яхши биларди, хатто араблар тарихларини ҳам ушбу ходиса бўлиб ўтган йил билан белгилашарди. Қиссанинг мухтасари қуйидагича: Хабашистон (Эфиопия) Яманни босиб олгандан сўнг, Хабашистон подшоси Яманга Абриха ал-Ашрам исмли шахсни ҳоким этиб тайинлади. Абриха барча хабашистонликлар катори насроний динида эди. У Яман пойтахти Санъо

шахрида жуда дабдабали, серхашам черков курдириб, унга ал-Калийс деб ном берди. Арабларни Каъбадан буриб ўз черковига хаж килдирмокчи бўлди. Барча уринишлари пучга чиккандан сўнг ниятига куч ишлатиш йўли билан эришмокчи бўлди. Каъбани бузиб ташлаб хаммани ўз черковига буришни касд килди. Шу максада катта аскар тўплади, урушга керак бўладиган барча нарсаларни олди, арабларнинг калбига дахшат солиш учун кўплаб филларни хам олди ва Маккага караб юрди. Йўлда хеч кандай каршиликка учрамай Тоиф шахри тарафидан Маккага якинлашиб, ал-Миглас деган жойга аскар билан келиб тушди. Сўнгра Маккага одам юбориб у ернинг улугини олиб келишга буюрди. У бориб Курайш кабиласи рахбари, улуги Абдулмутталибни етаклаб келди. Абдулмутталиб гавдали, хушбичим, серсавлат, викорли одам эди.

Абриха уни кўриб койил колди ва тахтидан тушиб унга пешвоз чикди. У билан бирга гилам устида ўтирди ва таржимонга:

«Сўрагин, менда нима хожати бор экан?» деди. Абдулмутталиб:

«Аскарлар менинг икки юзта туямни хайдаб кетишибди, шуларни кайтариб берсанг» деди. Абриха таржимонга:

«Унга айт! Келганигда сени кўриб койил колган эдим. Сўзингни эшитиб хафсалам пир бўлди, сенинг ва ота-боболарингнинг дини бўлган Каъбани бузгани келиб турибман-у, сен уни сўрамай, ўзингнинг икки юзта туянгни сўраяпсан», деди.

Абдулмутталиб:

«Мен туянинг эгасиман, Каъбанинг хам ўз эгаси бор, химоя килиб олади», деди.

Абриха:

«Мендан химоя килолмас», деди.

Абдулмутталиб:

«Ўз билганингни килавер», деди. Унга туяларини кайтариб беришди. Абдулмутталиб Маккага кайтиб одамларни токка чикиб кетишга буюрди. Ўзи бир неча киши билан Каъбага борди ва халкасини ушлаб туриб, илтижо килиб дуо килди. Сўнгра улар хам токка чикиб кетишди.

Абриха аскар у филларини тўплаб Каъбани бузишга юрмокчи бўлди. Лекин филлар ётиб олиб хеч ўринларидан турмади. Бошка тарафга буришса, фил тезлаб борди, лекин яна Макка тарафга буришса, ётиб олаверди. Шу пайт Аллохнинг иродаси билан тўп-тўп кушлар учиб келиб, душманлар устидан тош ташлай бошлади. У тошлар кимга тегса, шу жойида ўлаверди. Аскар кирилди. Абриханинг жасади узилиб-узилиб туша бошлади. Уни кўтариб Санъогача олиб боришди ва ўша ерда вафот этди.

Аллох таоло бу сурада барчага ўз кудратини ва мўъжизасини эслатмокда. Кимки Аллохга, Унинг динига карши чикса, окибати нима бўлишини эслатмокда.